ОБУЧАЕТ
УзССР давлат китоб палатаси
Давлат ... палатаси УзССР

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

28 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА
Сотувда эркин нархда.
№ 146 (641).
1993 йил.

КЕЧА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1993 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.





27 июль куни республика Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорация, уюшмалар раҳбарлари ҳамда вилоят ҳокимлари иштирокида йиғилиш бўлди. Унда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари, корхоналарнинг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш чора-тадбирлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Йиғилишни Республика Бош вазири А. Муталов очди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Тошкент вилоят ҳокими С. Сайдалиев, «Ўздавкимёконцерн» раиси М. Мирҳўжаев, Сирдарё вилоят ҳокими Б. Маҳмудов, «Ўзқурилишматериаллари» концерни раиси И. Искандаровнинг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бухорода халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда аҳоли турмуш даражасини ҳамда унинг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда сўзга чиққанлар республика ҳукуматининг иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўраётган чора-тадбирларини маъқулладилар.

Вилоят ҳокими Д. Ёдгоров сессияда сўзга чиқди.

(ЎзА).

«СИМЕНС» ВАКИЛЛАРИ ТОШКЕНТДА

Президент Ислом Каримовнинг ривожланган мамлакатларга расмий-амалий сафарлари мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига кенг уфқлар очмоқда.

Жумладан, Президентнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилишига замин ҳозирлаган ана шундай самарали сафарлардан бири бўлди.

27 июль куни Германия Федератив Республикасининг «Сименс» компанияси делегацияси Тошкентга келди. Маълумки, «Сименс» жаҳонга машҳур техник фирмалардан ҳисобланади. Унинг электроника, энергетика, алоқа ва тиббиёт соҳасида ишлатиладиган замонавий асбоб-ускуналари айни пайтда жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатларида қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири билан «Сименс» фирмаси президенти ўртасида мамлакатимиздаги алоқа тармоқларини тиклаш ва янгилашда бу обрўли компания имкониятларини жалб этиш борасида музокаралар бўлиб ўтган эди. Бугалги учрашув ана шу музокараларнинг давоми бўлди. Республика алоқа вазири К. Раҳимов меҳмонларга Ўзбекистон телеалоқа тармоғининг бугунги ҳолати ва уни янгилаш билан боғлиқ режалар хусусида сўзлаб берди.

— Президентингиз билан Бонн шаҳрида суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганман, — деди делегация бошлиғи, Германия телеалоқа тизимлари маҳкамасининг раҳбари Вольфганг Буххольц. — Ўшанда Ислом Каримов жаноблари «Сименс» фирмаси билан жуда қизиққан эдилар. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Зеро, ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир.

«Сименс» фирмаси вакиллари шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам бўлдилар. Ўрта Осиё кабель саноати илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишдилар.

Делегация дастурида республика ички ишлар, молия, соғлиқни саклаш, энергетика вазирликлари, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарияти билан учрашувлар ҳам режалаштирилган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

БАХШИЛАР БАҲСИ

НУКУС. Минтақа бахшиларининг танлови ўтказиладиган бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган ушбу тадбирда қўшни Хоразм ва Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятларидан ҳам бахшилар таклиф этилади.

ЧУПОНЛАРНИНГ КУНГЛИ КЎТАРИЛДИ

ҚУНҒИРОТ. Қурилиш материалларини заводда ўтов ишлаб чиқарилалтти.

ҚИР-адирларда чорвадорларнинг бошпанаси ҳисобланган бундай ўтовдан дастлабки ўнтаси эгаларига етиб борди. Ҳозир корхона ишбилармонлари зарур ашёларни Устюрт тўқай хўжалиги ва фуқаролардан ҳарид қилаяпти. Мутахассисларнинг айтишича йил охригача яна 50 та бошпана тайёрланаркан.

ҚАДИМГИ УСТАЛАР СЕЗГИР БЎЛИШГАН

БУХОРО. Боҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳини таъмирлаётган усталарнинг машқули енгиллашди.

МАСЖИД рўпарасидаги мўъжаз минорани асл рангига келтириш учун зарур бўёқ топилмай турган бир пайтда таъмирга муҳтож биноларнинг биридан беш-олти кило чамаси бўёқ қотишмаси чиқиб қолди. Қадимги усталар мавриди келиб шундай бўёққа эҳтиёж сезилиши мумкинлигини билишган кўринади. Минорага топилган қотишмадан тайёрланган бўёқдан жило берилди. Жигарранг, нафис товланувчи бу бўёқ масжидни таъмирлашда ҳам ишлатилаяпти.

ҚАДРИЯТ ҚАРОР ТОПДИ

ҚУВА ТУМАНИ. Унутилган эркакча рақсларни тиклаш ниятида махсус мактаб очилди.

БИР пайтлар Фарғона водийси эркакча рақслари билан шуҳрат қозонган эди. Сўнгги вақтларда эса у ўз хусусиятларини йўқота бошлади. Шу боис мутахассислар қишлоқма-қишлоқ юриб унутилган рақслардан хабардор одамларни топишди. Улар ёрдамида рақс ҳаракатлари тикланаяпти.

УЮШМА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРГА КЎМАКЛАШАДИ

ТОШКЕНТ. «Ўрта Осиё Электроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида директорлар кенгашининг иши ниҳоясига етди.

УЧРАШУВ чоғида хомашё, бутловчи, тайёр маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан ўндаб шартномалар имзоланди. Кенгаш иштирокчилари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондаги мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарларига мурожаатнома қабул қилдилар. Унда Марказий Осиё республикалари саноатчилари ва ишбилармонлари уюшмасини тузиш таклиф этилган. Уюшма ёш мустақил давлатлар қалдини ростлаб олишига кўмаклашади, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

СУРАБ УРГАНГАН ОЛИМ

БЕКОБОД. Пойтахт вилояти солиқ бошқармасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари шаҳар саноат корхоналари, хусусий фирмалар, ширкатлар раҳбарлари, бухгалтерлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказди.

ЙИҒИЛИШДА солиқ турлари, тўловларни тўғри ҳисоблаб, бюджетга ўтказишдаги муаммолар, чалкашликлар атрофлича муҳокама қилинди.

Транспорт солиғи, сув учун тўлов, 6 фоизли ресурс тўлови, 30 фоизли амортизация тўловларининг ҳисобланиши таҳлил этилди. Учрашув баҳс-мунозараю савол-жавоблар билан якунланди.

ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР ЯНГИЛИКЛАР

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Қашқадарё ҳокимлигида бўлиб ўтган ёшлар билан учрашувда мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш, ёшлар иттифоқи вилоят ташкилотининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, ёшлар турмушидаги муаммо ва вазифалар ҳақида гап борди. Бу тўғрида вилоят ҳокими Т. Ҳидиров маъруза қилди. Сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистоннинг келажагини барпо этишда унинг ҳар томонлама ривожланган буюк давлатга айланишини таъминлашда ёшларнинг ўз ўрни ва масъулияти бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов нутқ сўзлади.

П. ГАДОЕВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

Йигит-қизлар эртанги кунимиз эгалари. Мустақил мамлакатимизнинг келажаги, юксалиши уларнинг иқтидорли, ноёғоли қобилиятли эканлигига боғлиқ. Қолаверса, ғайратли ёшлар ҳаётнинг турли жабҳаларида шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Куни кеча Андижон вилояти ҳокимлигида ёшларнинг вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Қ. Обидов йигит-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, улар амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирди.

Йиғилганлар ёшлар муаммоларига катта эътибор қаратдилар. Жумладан аҳолиси энг зич бўлган Андижонда янги ишчи ўринларини яратиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш билан изчил шуғулланиш лозим. Бунинг учун катта ташаббускорлик, амалий ҳаракат зарур. Ёшлар вакиллари Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ва истиқболи йўлида хайрли ишларга бел боғлаганликларини изҳор этдилар. Йигит-қизлар фаоллигини ошириш, уларни бунёдкорлик ишларига отлантириш, ёшлар ўртасида жиноятчилик иллатларига барҳам бериш ёшлар иттифоқи фаолиятини жонлантиришни тақоза этади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлик девонининг масъул ходими И. Саидов сўзга чиқди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ КЕНГАШ КОМИТЕТЛАРИДА

Иқтисодий ислоҳот амалга оширилаётган шу кунларда статистик маълумотларга бўлган талаб тобора кучаймоқда. Республикамизда статистикани ташкил этиш, унинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва йўналтириб туришнинг ҳуқуқий асосини яратиш актуал вазифа бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитети ана шу масъулиятли ишга жазм этди. Махсус ишчи гуруҳи тузилди, давлат статистикаси ҳақидаги қонун лойиҳасининг илк нусхаси тайёрланиб, комитат мажлисида кўриб чиқилди. Мажмуа айни пайтда муҳокама қилиш учун даҳлдор ташкилотлар, муассаса ва вазирликлар эътиборига ҳавола этилди.

Комитет шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар ҳақидаги, кишиларнинг мол-мулклари учун олинадиган солиқ ҳақидаги қонун лойиҳалари устида ҳам иш олиб бормоқда.

Республика Олий Кенгашининг ўтган сессиясида жамиятни ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги ёдингизда бўлса керак. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқий мажмуа ўлкамизнинг истиқболи учун хизмат қила бошлаганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон яқинда «Компасс» жаҳон иқтисодий ахборот тармоғига аъзо этиб қабул қилинди. Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган ушбу халқаро иқтисодий ахборот тармоғида барча қитъалардаги миллионлаб компаниялар, фирма ҳамда ҳуқуқий шахслар ҳақида маълумотлар бўлиб, ушбу хабариомалардан 150 мамлакат фойдаланиб келмоқда. Эндиликда Ўзбекистон ҳам унинг тўла ҳуқуқли мижозига айланди. Ҳамкорлик Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Барустал — Компасс» ахборот ишлаб чиқариш фирмаси орқали йўлга қўйилади. Ҳар икки фирманинг мақсади ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишдир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан республикамиздаги тегишли маълумотлар жамланган илк қўлланма босиб чиқарилди. Унда республикамиз иқтисодиётига оид муҳим ахборотлар ўрин олган.

Ўзбекистон Прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда прокуратура идоралари ўтган ярим йилликда жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши кураш, қонунларга оғишмай риоя қилиниши устидан прокурорлик назоратининг қандай амалга оширгани муҳокама этилди. Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Т. Мирзаевнинг «Прокуратура фаолияти ва кадрлар» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Мажлисда республикада жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган кўринишларига қарши кураш авж олдирилгани яхши самара бергани, ашаддий жиноятчилик бирмунча камайгани айтилди. Сўзга чиққанлар жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши курашнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланилмаётгани, кадрлар билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани, ходимлар таркибига баъзи нопок кимсалар кириб қолгани, бунга эса асло тоқат қилиб бўлмаслигига эътиборни қаратдилар, прокурорлик назоратини яхшилаш юзасидан мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон қуролли кучларидаги ҳарбий ва транспорт ҳамда вилоят прокурорларининг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Б. Мустафоев мажлисда сўзга чиқди.

ЎзА.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЁҚИЛҒИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида улкан саноат корхонаси — нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи бунёд этилади. Корхона ишга тушгач, йилига бир неча миллион тонна нефть қайта ишланади, 3 мингдан кўпроқ киши иш билан таъминланади.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов 20 июлда мазкур корхона жойлашадиган майдон ва у ерда бажарилган геологик ишлар билан танишди. Шу куни туманда республика Автомобиль йўллари ва энергетика вазирликлари, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мутахассислари ҳамда Бухоро вилоятининг янги корхона қурилишига даҳлдор саноат ва транспорт ташкилотлари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда завод қурилиши билан боғлиқ биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Мустақиллик — ТАҚДИРИМИЗДА

БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Истиқлол Сизнинг тақдиримизда қандай аҳамият касб этмоқда?
2. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангиздан кўнглингиз тўладими?
3. Ўзбекистоннинг келажагини қандай орзу қиласиз?

Холида НИШОНБОЕВА —
Янгийўл туманидаги «Ниёзбошм» жамоа хўжалигининг аъзоси, Ўзбекистон халқ номзоди.

1. Она юртимизда истиқомат қилувчи бирор киши йўқки ўз тақдирида истиқлол берган эрк ва озодлик нашидасини туймаган бўлса. Шу жумладан мен ҳам у берган маънавий озуқадан сармаст. фахр-ифтихорга тўлиб-тошган ҳолда тер тўкиб чарчамайман. Истиқлол туфайли халқим ишончига сазовор бўлдим. Унинг кундалик ташвишлари билан яшаш, оғирини енгил, мушкулини осон қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларим билан бахтиёрман. Зотан, эндигина икки ёшга тўлаётган мустақиллигимиз тақдири ҳар бир соҳада ишлаётган юртдошларимизнинг жонбозлигига боғлиқ. Ана шундай ният билан ёниб меҳнат қилаётган юртдошларим, ҳамкасбларим ўз эмас. Ўзимнинг улар сафида эканлигимга шукроналар айтаман.



2. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссамдан кўнглим тўлаяптиям, тўлмаяптиям деб жавоб берган бўлар эдим. Гарчанд халқ номзодлигига сифатида сессияларда халқ турмуши фаровонлигини оширишга оид муҳим масалаларни муҳокама қилишда, қонунлар ишлаб чиқишда иштирок этсам-да, уларнинг жойларда ҳаётга тадбиқ этилишида баъзан сунъий, баъзан узрли тўсиқларга дуч келинади. Сайловчилар наказларини бажариш учун изтиробларга тушасан киши. Табиийки, бундай пайтларда ишингдан кўнглинг тўлмайди. Аммо тушкунликка асло берилмайман. Чунки бу кураш мустақиллигимизни мустаҳкамлаш курашидир.

3. Ўзбекистон шарқда машъал деган ибора бодалигимиздан маълум. Бу сўз том маънода дунё миқёсида ишлатиладиган пайт узоқ эмас. Республикамизнинг энг бой, гўзал мамлакат бўлиб қолишига ишонаман.

Истиқлол мафкураси ҳақида ўйлар

ТОҒЛАР ЗАРРАЛАРДАН ЯРАЛУР...

«Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир».

И. А. КАРИМОВ.



Республикамиз раҳбари томонидан йўлланган ушбу оташин чақириқ ҳар бир ўзбекнинг, Ватанимизда яшовчи ҳар бир кишининг қалбида акс-садо бермоқда. Чунки, бу даъват бизнинг орзу-умидларимизга, буюк аждодларимиз заковатидан яралиб, қувғин-қатағонларга дош бериб, мудом кўксимизда асралиб келинган миллий давлатчилик ғояларига айнан мос келади. Бу даъват истиқлолини қўлга киритиб, энди узоқ, машаққатли, аммо охири бахайр, охири ёруғ ва қутлуғ йўл бошида турган мамлакатимизнинг бугунги номаи аъмолини белгилайди, бугунги шиддаткор, ғоят ғалаён даврлар моҳиятини ифодалайди.

Дарвоқе, бизга истиқлол мафкураси нима учун керак?

Бу саволнинг жавоби аниқ. Уни ҳаммамиз биламиз. Бироқ ушбу саволни ҳар биримиз ўзимизга такрор ва такрор бериб, жавобини яна ҳам аниқ қилиб, аниқ тўхтамга келиб, дилимизга, шууримизга, жисму жонимизга жойлаб олмоғимиз шарт.

Истиқлол мафкураси аввало бизга шу муқаддас истиқлолни — мустақиллигимизни сақлаш, мустаҳкамлаш ва мангу барқарор этиш учун жуда-жуда зарурдир.

Истиқлол мафкураси бизга яна шунинг учун зарурки, биз 125 йиллик мустамлака чангалидан қутилганимизни, ҳақиқий озодлик, ҳақиқий ҳурриятга энди эришганимизни вужуд-вужудимиз билан ҳис этишимиз, англаб етишимиз, тушунишимиз ва тушунтира олишимиз лозим.

У яна шунинг учун зарурки, мустамлака хавфи ҳали чекинган эмас. Бизнинг битмас-туганмас маъданларимиз, арзон-гаров хомашёмизга бўлган иштаҳа ҳали барҳам топган эмас. Исталган дақиқада, исталган соҳада хоҳ Шимолдан, хоҳ Жанубдан, хоҳ Шарқу Ғарбдан истило хавфи туғилиши мумкин. Бу истило 1917 йилдаги каби турли ёлғон-яшиқ ваъдаларга, тенглигу озодлик ҳақидаги пуч гап-сўзларга ўралган бўлади. У бизга арзончилик, мўл-кўл шакару сариёғ ваъда қилади. Кўнглимизни пуч ёнғоққа тўлдиради.

Истиқлол мафкураси яна шунинг учун зарурки, социалистик ўтмишнинг пуч ваъдаларига ишонувчилар, кечаги сохта фаровонликни, даврий арзончиликни, йўқсил текисчиликни соғинувчилар бор. Қўл-оёғидаги қуллик кишанларига меҳр қўйган, тилини, динини, жамики қадриятларини унутиб яшашга ўрганган маҳкумлар бор. Уларга мингта «сиз-биз»дан битта «жизбиз» афзал. Уларга қийинчилик билан, меҳнату заҳмат билан қўлга киритиладиган насиба эмас, тайёр бойликларни сотиб, ётиб ейдиган ёғли луқма керак. Начоракким, мустамлакачилик истибдоди уларни шу аҳволга солди. Иродасини букди, миллий ғурурини синдирди. Ориятини поймол қилиб ташлади. Пайт келиб ана шу ғурур, орият тикланади, албатта. Кўкси тоғдек баланд, ғурури ўтли, иродаси метиндек мустаҳкам насл уйғонажаги муқаррардир.

Ва ниҳоят, лўнда қилиб айтганда, истиқлол мафкураси шунинг учун зарурки, Ўзбекистон иқтисодиётини, маънавиятини Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар юксаклиги даражасига кўтарамиз. Давлатнинг нечоғлик буюк, теран, асрларга туташ пойдевори бор. Энди ушбу мустаҳкам пойдевор устига муаззам ва муҳташам иморат қуриш бугунги авлод зиммасига тушади. Она тарих бизга шундай даврда яшашни, шундай улуғвор вазифаларни бажариш имконини лозим кўрганлигидан айримлардек нолимаслигимиз, балки Оллоҳга шукрлар айтмоғимиз фарздир. Умр ўтади. Бир кун очроқ ва юпунроқ, бир кун тўқроқ ва тўкисроқ кечади. Бироқ мана шундай буюк, тарихий замонада яшаш, буюк ўзгаришлар гувоҳи ҳамда иштирокчиси бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ҳазил эмаски, биз бир асрдан зиёд ҳукмронлик қилган мудҳиш ва қудратли коммунистик мафкура кишанларини синдириб, ўзимизнинг миллий мафкурамизни яратишга азму қарор қилдик.

Хўш, бу мафкура қандай бўлади? Унинг замирида нималар, қандай мақсад-вазифалар, қанақа услуб-йўриқлар ётади?

Бу саволнинг жавоби республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш ўн иккинчи сессиясидаги нутқида, бир гуруҳ адиблар билан ўтказган суҳбатида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Президентимиз уқтирганидек, бу мафкура ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Ушбу қоидаларнинг моҳияти эса ғоят кенг қамровли ва терандир. Халқимизнинг азалий анъаналарига таяниш деганда, биз, муқаррар равишда Тўмарис, Спитамен, Широқ, Жалолиддин, Темур Маликлар ватанпарварлигини, Амир Темурнинг «куч — адолатдадир» деган шиорини, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бебаҳо аҳамиятга эга бўлган «Тузуклар»ини, Алишер Навоийнинг адолатли ва фаровон жамият ҳақидаги беназир асарларини сатрма-сатр ўрганишни, қалбга жойлашни назарда тутамиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, ёраб нетайин, не юз қаролиғ бўлди», сингари аламли сатрларидан хулосалар чиқарамиз. Зокиржон Фурқатнинг «Фиғонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдин» кабн байтлари она-замин қадр-қимматини англашга ўргатса, Муқимийнинг «Шул эрур айбим, Мукимий, мардуми Фарғонаман», деган таассуфлари бизни маҳаллийчилик иллатларининг мудҳиш асоратидан огоҳ этади. Турди Фароғийнинг «Тор кўнгуллик бекдар, ман-ман деманг, кенглик қилинг, тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг», деган даъватлари, Президентимизнинг битта халқ, битта эл бўлиб жипслашайлик, деган сўзларига ҳамоҳанг равишда бизни қабилачилик, юртдошлик, уруғчилик касалларидан қутилишга, битта миллат, битта халқ, битта давлат бўлишга, бу йўлда қатиқ кураш олиб боришга ундайди. Қарангки, Аваз Ўтаев Турди Фароғийлар давридан бери юз йилдан зиёд вақт ўтибдики, баъзилар ҳамон ўша маҳаллийчилик иллатларидан қутулолгани йўқ. Бунинг сабаби албатта энг аввало чор Россиясининг истилочилик сиёсати, «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил», деган зўравонлик мафкурасидир. Иккинчи томондан эса ўтган йиллар давомида Москвда коммунистик сиёсат ана шу дардинг устини ёпиб-яшириб келди, даволаш учун ҳеч бир чора кўрмади. Чунки, «қизил империя» аслида подшоҳ империяси сиёсатини бошқача шаклларда изчил давом эттирди.

Ана шу аччиқ ҳақиқатларни ҳалқимизга аниқ далиллар билан, рўй-рост тушунтириш унинг азалий орияти мардлик, бағрикенглик ҳис-туйғуларини уйғотишда катта аҳамиятга эгадир. Бундан 120 йил олдин чор Россияси Туркистонни осоигина босиб олди. Сабаби: тарқоқлигимиз, маҳаллийчилигимиз, худбинлигимиз, хонликлар ўртасидаги ўзаро жирканч урушлар, ер талашиш, насиба талашиш... Оқибат эрк деган ўша иасиба, ўша муқаддас ризқ ҳаммамизнинг қўлимиздан кетди. Бундан аччиқ хулоса чиқариш, сабоқ олиш, ўтмиш хатоларини тузатиш ва ҳеч қачон такрорламасликка қасамёд этиш лозим эмасми, ахир!

Бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол мафкурасини яратиш халқимиз ўтмишини, маънавияти дурдоналарини, миллий давлатчилигимиз тарихини энди ростакамига ҳаққоний ўрганиш, фарзандларимэ шуурига сингдириш билан боғлиқдир. Ғафур Ғуломнинг «Қадим ўзбек халқисан асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир», Ойбекнинг «Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар», Ҳамид Олимжоннинг «Қулоғимга номинг кирганда қумлик каби ташна боқурман, сенинг жаннат водийларингда наҳрлардек тўлиб оқурман», Эркин Воҳидовнинг «Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Бир ўлка бор дунёда бироқ, айтилмаган қўшиқдир бори» сингари оташин сатрлари ҳар биримизнинг дилимизда, тилимизда, номаи аъмолимизда бўлмоғи фарздир.

Миллий мафкурамиз, шубҳасиз, буюк давлатчилик шовинизмидан ҳоли бўлмоғи, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатлар тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга, бошқа мамлакатларга таҳдид солишдан сақланишга, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик, деган муқаддас шиоримизга қатъиян мос бўлмоғи зарур. Худди ана шу йўл жадал ва ҳар томонлама ривожланишнинг асосий омилидир. Аввало Осиё, сўнгра Оврупо ва Амриқо мамлакатлари тараққиёти тажрибасини кенг кўламда ўрганиш ғоят катта аҳамиятга эга. Давлатимиз олий раҳбарияти Ўзбекистон фарзандларини хорижга ўқишга кўплаб жўнатиш йўлини тутаётганлиги чинакам доно ва узоқни кўзловчи сиёсатдир. Хорижий сармояларга кенг йўл очиш ҳам мақбул иш. Буни албатта, ўзимизнинг асрий ишбилармонлик анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш билан қўшиб олиб борилса нур устига аъло иур бўлади.

«Озод советлар мамлакатининг бахтиёр фуқароси» бўлиб яшаган юртдошларимиз эса «миллион эгатларга эгилиб», даладан чиқмай, марказга арзон хомашё етказиб берувчи, иккинчи даражали кишилар бўлиб келишди. Энди ана шу ҳақоратли тамғани синдириб ташлаш, ўз ерининг, ўз элининг хўжайини бўлиб, ўз онлаги, ўз давлатини бойитиш учун яшаш ва ишлаш туйғусини, кайфиятини шакллантириш ҳам миллий мафкурамизнинг ажралмас қисмидир. Йиллар давомида «пахта— миллий ғуруримиз, ифтихоримиз» деб келдик. Кейин эса ўзимиз қилган мудҳиш хатолар учун оқ пахтанн қоралашга тушднк. Хайриятки, энди хатомизни тушуидик. Шубҳасизки, пахта — тирикчилигимиз, бойлигимиз манбаи. Аммо гап ғурурга тақаладиган бўлса у фақат пахта етиштиришнинг ўзи билан эмас, жаҳондаги энг аъло навли, энг аъло сифатли, таннархи энг арзон пахта етиштириш билан белгиланмоғи, масала, шиор худди шундай, янгича тарзда қўйилмоғи зарур. Ёинки, «Энг ҳосилдор ерлар бизнинг мамлакатда», «Энг юқори меҳнат унуми бизда бўлади», «Энг аъло сифатли маҳсулотни биз чиқарамиз», «Энг юқори турмуш даражасига бизда эришиладн», «Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг юқори ўринда биз турамиз», деган янги мазмундаги, жаҳоний пешқадамликка, илғорликка, юксак тараққиётга қаратилган шиорлар зарур. Америка ва Япониянинг пешқадамлигида ана шундай шиорлар ҳад қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай ислоҳот, кенг халқ оммаси томонидан кенг қўллаб-қувватланмас экан қоғозда, оғизда қолиб кетаверади.

Худди ана шу оммавий иштиёқ, сафарбарлик туйғусини янада кучайтириш учун эса, Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат сингари қадриятларини кун тартибига қўйиш лозим бўлади. Яқин-яқинларда ҳайрон бўлардик, «илгарги очлик, қийинчилик замонларида одамларда меҳр-оқибат кучли бўлган, ҳозирги тўқчилик замонида йўқолиб бораяпти, бунинг сабаби нима экан», деб. Ҳозир, яна иқтисодий, моддий қийинчиликлар даври. Хўш, меҳр-оқибат яна кучайиб қолдими? Йўқ. Нега? Сабаби меҳр-оқибатнинг илдизи моддиятда эмас, маънавиятдадир. Октябрь ўзгаришидан илгари оз бўлса-да миллий қадриятлар, тилимиз, динимиз ҳали қадрли эди. Кейин тилни ҳам, динни ҳам инкор этдик. Бир пайтлар одамлар ўғлини суннат қилишдан, сўнгроқ ҳаттоки отасининг жанозасида қатнашишдан ҳайиқиб қолишди. Бундай шароитда меҳр-оқибат ҳақида гапириш мумкинмиди, ахир! Қадрият йўқ жойда қадр бўлмайди.

Социалистик люмпен-текисчилик, «ҳамма нарса давлатники», демак ҳеч кимники, деган кайфиятлар оқибатида орадан инсоф кўтарилди. «Ҳаммани давлат боқишн керак», деган боқимтойлик тушунчаси сабр-тоқат, борига қаноат қилиш туйғуларини барбод этди. Таълимда соғ ортидан қувиш, ёппасига саводхонликни «беш йиллик режаларга» киритиш маърифатнинг, кечагина чексиз иззатда юрган табаррук муаллим обрўсини туширди. Энди бу масалада ҳам туб ўзгаришлар ясаляпти. Ишбилармон одам, кўп ишлайдиган одам кўп ҳақ олсин, ҳалол-покиза бойлик орттирсин, ҳалол топган пулини яширмай эл-юрт ободлигига сарфласин, шу билан бирга бева-бечорага қайишсин. Чинакам зиёли, олим, ижодкор, санъаткор обрў-иззати баланд бўлсин. Тўкис яшасин.

Кечаги куннинг энг оғир, энг ёмон сарқити — адолат меъзонларининг бузилиши эди. Адолатнинг сўнгги «нажот қалъаси» ҳисоблаб келинган Кремлнинг ичдаи айниши одамлар ҳафсаласини пир қилган, ҳақиқатга ишончни сўндириб қўйганди. Шу боисдан ҳам республикамиз Президентининг уюшган жиноятчиликка қарши курашда шахсан ташаббускорлик кўрсатганлиги халқимизни бениҳоя қувонтирди, чексиз руҳлантириб юборди. Адолат барқарорлигини таъминлаш учун кураш миллий истиқлол мафкурасининг ҳал қилувчи бўғини. Бу йўл, бу сиёсат кенг жабҳада қатъият билан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Раҳбарнинг поклиги, камтарилиги ва мудом халқ орасида бўлиши — истиқлол мафкурасининг таянч иуқталаридан биридир. Халқимиз каттага ҳурмат, кичикка иззат борасида улуғ ва муқаддас русмларга эга. Бу русмлар бор жойда тартиб-интизом бор, салом-ассалому одоб-икром бор. Демократия ниқобига ўралган ёввойилик, шаккоклик, ҳаммаҳамма нарсани инкор қилишдан алҳазар.

Дарвоқе, том маънодаги чинакам демократия сари қадамба-қадам бориш, Конституциямизга, байроғимизга, гербимизга садоқат туйғулари, мадҳиямизни каттаю кичик ёд билиши ва энг севимли қўшиқ сифатида мағрур куйлай олиш ҳисси — буларнинг ҳаммаси биз яратмоқчи бўлаётган мутлақо янгича, мукаммал миллий мафкуранинг ажралмас бўлакларидир.

Шубҳасизки, ушбу қисқа мақолада истиқлол мафкурасининг ҳамма жиҳатлари ҳақида батафсил тўхталишни даъво қилмаймиз ва бунинг иложи ҳам йўқ. Мақсад ана шу ҳақдаги мулоҳазаларни баён қилиш ва азиз мушторийларни мунозарага чорлашдан иборатдир. Албатта, мазкур мавзунинг ҳали очилмаган, ўнлаб, юзлаб олмос қирралари мавжуд. Уларни очсак, жилолантирсак, халқимиз нигоҳига, ўшуурига ошно этсак, шу азиз юрт, шу жонажон Ватан камолига зарра қадар эса-да хизмат қилган бўламиз. Ҳар қандай улуғ тоғлар ҳам заррадан яралур, ахир.

Ҳабиб ТЕМИР.
Самарқанд.

ОМОН БЎЛИНГ, ЯХШИЛАР!

ЭҲ, БУ ИЛЛАТ БИЗГА ҚАЕРДАН «ЁПИШДИ»?

Тўра Пўлатов Ўрта Осиё темир йўлининг Бухоро бўлимида касаба қўмитаси раиси бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Руқия опа эса шифохонада ҳамшира. Иккаласи ҳам ёшлигидан сағир ўсишган, тақдир тақозоси билан кемтик қалблар бир-бирига абадий боғланган эди. Шунданми, улар тез-тез Бухородаги болалар уйига борнб, етим-есирлар ҳолидан хабар олиб туришарди. Натижада у ердаги беш нафар гўдак уларга қаттиқ боғланиб қолди. Ҳатто, сўнгги пайтларда Эрали, Дилноза (ака-сингил), Файзулло, Наргиза ва Нафисалар Тўра ака ва Руқия опани кўрганларида бир-бирларига, «ана отамиз билан онамиз келишди», дея қийқиришиб қарши оладиган бўлишди.

Руқия опа уларни бир-бир бағрига босаркан, кўзларига ёш қуйилади. Улар ташриф буюрган дамларда болалар уйининг ҳовлиси шодон қийқириқларга тўлиб кетади. Кейин... иорасидалар яна деразадан «ота-оналари»нинг йўлларига кўз тикиб ўтиришади. Жажжигина Дилноза Эрали акасидан, онамлар энди қачон келадила, дея такрор-такрор сўрайди. У ҳам елка қисганча кўчага термулади.

Кўз йўлга, йўл кўзга айланиб чопиб бораверади. Аста Руқия опанинг юрагига кириб мунгли нидога айланади: «Бизни олиб кетинг, онажон. Дилноза сизларни қаттиқ соғиняпти. Кетганларингиздан сўнг ҳатто овқат ҳам емай қўяди. Кечалари ҳам деразадан бери келмайди. Бу аҳволда касал бўлиб қолиши ҳеч гапмас, онажон!».

Руқия опа ярим тунда кўгли ғаш бўлиб уйғонади. Турмуш ўртоғининг кўзларидаги ёшни кўрган Тўра ака гап нимада эканлигини тушунади. «Тонг отсин, борамиз, бешаласини ҳам ўзимизга фарзанд қилиб оламиз», дейди унга тасалли бериб. Улар фарзандсизлик туфайли шундай қилишаётгани йўқ. Ўзларининг ҳали катта-кичик тўртта болалари бор. Бири Курск педагогика институтида, бири Самарқандда, қолган иккитаси эса ўрта мактабда таҳсил олишмоқда.

Тўғриси, дастлаб уларнинг бешови ҳам нимжон, касалманд эди. Бугун барчаси соғлом ва дуркун улғаймоқда. Чунки, Тўра акалар оилавий спорт билан шуғулланишади. Худди шу нарса болаларга фойда қилганига шубҳа йўқ.

Когон шаҳар ҳокимлиги болалар учун ҳамма шароитни яратиб берган. 1 июнь — халқаро болалар кунида эса турли совға-саломлар топширилди. Шаҳар ҳокими муовини Мамлакат Азимованинг айтишича, яқин кунларда «Пўлатовларнинг оилавий болалар уйи» учун банкда алоҳида ҳисоб рақами очилади.

Биз ширинган-шакар болалар билан анчагина гаплашиб ўтирдик. Гарчи, болаларнинг фамилиялари бошқа-бошқа бўлса-да, ўзларини Пўлатовлар деб биллшади (келажакда, улар ана шу фамилияни паспортларига ёздирсалар ҳам ажаб эмас. Майли, бу ёғини болаларнинг ўзлари ҳал қилишади).

— Мени бир нарса қийнайди, ука, — дейди биз билан хайрлашаётиб Тўра ака. — Болалар уйидаги норасида гўдакларнинг аксарияти ўзимизнинг миллатга мансуб. Аксариятининг ота-онаси (ота-оналик хайф уларга) ялло қилиб юришибди. Бундай аҳволни кўриб қийналиб кетаман. Ахир, илгарилари ўзбеклар ҳеч қачон ўз болаларини бунчалик ёрр қилиб қўймасди-ку, бу иллат бизга қаердан ёпишди?! Буннинг учун ким жавоб беради? Болаларни дунёга келтирдикми, уларнинг тақдирини ҳам ўйлашимиз керакда. Майли, эр-хотин бир-бирига ёқмади ҳам дейлик. Аммо улар барибир болаларини уйлаши лозим-ку. Фарзандлар ота-онани ўзаро боглаб турадиган риштлар бўлади. Зеро, риштлар узилса, дунёда меҳр-оқибат, имон-эътиқод йўқолади. Илоҳим, кишиларни мана шундай балолардан худонинг ўзи асрасин...

Мен Тўра акадан ошириб бир нарса деёлмайман. Бунга ҳожат ҳам йўқ.

Мунаввар ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон







«Камилла»нинг кўзойнаклари

Пойтахтимизда Американинг «Коэн Фешон Оптикал» фирмаси билан ҳамкорликда кўзойнак қўшма дўкони очилди. Американинг 75 ёшлик бу фирмаси дунёнинг кўпгина мамлакатларида машҳур. Буни «дўкон-устахона»га қўйилган кўзойнаклар ва гардишларнинг харидоргирлиги ҳам кўрсатиб турибди.

— Мана шундай машҳур фирманинг биз билан ҳамкорлик қилаётгани катта кутуғимиздир, — дейди «Ўзтибтехника» бирлашмасининг бош директори Саидикром Аҳроров. — Бу қўйилган дастлабки қадамдир. Келажакда бундай дўконлар жумҳурнятимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этилади. Ҳозирча Америкадан 25 минг дона кўзойнак олиб келинди. Эҳтиёжга қараб яна келтирилади.

— «Камилла»ни нафақат дўкон дейиш мумкин. Бу ерда мижозларни қабул қилиб, уларни кўзларини кўриш қобилиятини бир неча дақиқада аниқлаб берадиган шифокорлар ҳам хизмат кўрсатмоқда. «Рефрактометр», «Кератометр» каби асбоб-ускуналар ёрдамида шифокорлар кунига 200 нафар мижозга хизмат кўрсатишмоқда. «Коэн Фешон Оптикал» фирмасининг бош директори Владимир Сидлернинг таъкидлашича, уларнинг энг йирик дўконларидан бири Нью-Йоркда, иккинчиси эса Тошкентда очилди. Тез кунларда бу ерга Италия, Олмония, Корея сингари мамлакатларнинг маҳсулотлари ҳам келтирилади.

Тиббиёт соҳасида қилинаётган ҳайрли ишларнинг барчаси Ўзбекистон аҳолисининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Буни пойтахтимизнинг ўрда даҳасида очилган ана шу дўкон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

СУРАТЛАРДА: 1. «Камилла» дўконининг ички кўриниши. 2. Кўзойнак усталари Моҳира Ҳасанова ва Лола Самадовалар. 3. Кўзойнак харидори кичкинтой Шаҳзоднинг қувончи чексиз. 4. Кўз шифокори Адолат Ғафурова. 5. «Камилла» кўзойнак дўконининг ташқи кўриниши.

Шоназар ИБРОҲИМОВ.
Муаллиф олган суратлар.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ХАБАР ҚИЛАДИ

МИНГГА ОТГАНДИ МИЛЛИОИГА ТЕГДИ

Андижон шаҳридаги 11-сон дўкон сотувчиси А. Азимов харидорга уч қути «Ранга» сигаретасини сотганидан эмас, балки унинг ҳақидан минг сўм уриб қолганидан кўнгли чоғ эди. Аммо, қурсандчилиги узоққа чўзилмади. У шу дамдаёқ қўлга тушди.

Шундан сўнг дўкон омбори текширилганда бўлди. Ушбу бебаҳо масканда 3 миллион 393 минг сўмлик ароқ, вино маҳсулотларининг жиноий мақсадларда очиқ савдодан яшириб қўйилганлиги ошкор бўлиб қолгач, харидор ҳақидан юлиб қолишнинг оқибати ёмонлигини тушунди.

МАШИНА ЮКХОНАСИДАГИ «ЮК»

Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туманида ўтказилган оператив тадбирда «Сурхон» давлат хўжалигида яшовчи Ҳ. Э.нинг машинаси тўхтатиб текширилганда, юкхонадан 4 килограмм наша топилди.

Ш. РУЗИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУКОФОТЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТАЛАРИДА

Табиий ва техник фанлар соҳасида Ал-Хоразмий номли мукофотни ҳамда ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида Ал-Фаробий номли мукофотни тақдим этиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш бўйича қўмиталар 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мукофотларига тақдим этиладиган ишларни қабул қилиш муддатини 1993 йилнинг 20 сентябригача узайтиришлари тўғрисида маълум қиладилар.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70. 305-, 330-хоналар.

Телефонлар: 33-72-73, 33-82-52.

БИР ВИЛОЯТ ХАБАРЛАРИ

БОҒБОНЛАР МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОНДА биринчи техникум қачон ташкил этилганлигини биласизми! У бундан роппа-роса 90 йил муқаддам — 1903 йилда Самарқандда боғдорчилик, узумчилик ва виночилик мактаби сифатида фаолият бошлаган. 1910 йилда мактаб билим юртига айлантирилди. Унинг асосий вазифаси ўша пайтда шаҳарда мавжуд бўлган вино заводларига мутахассислар етказиб боришдан иборат эди.

Техникум қошида бир неча йиллар фаолият кўрсатган консерва ва вино заводида тайёрланган шарбатлар, ўтнинр ичимликлар шуҳрати урушдан аввалги даврларда бутун Иттифоқда машҳур бўлган.

Ҳозирги пайтда И. В. Мичурин номидаги Самарқанд мева-сабзавотчилик техникуми деб юритиладиган бу билим масканн ўзининг 90 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётир. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистондаги илк боғбонлар мактабини миглаб ёшлар битнриб чиқишди. Эндиликда собиқ талабалар орасида машҳур олимлар, академиклар, жтисодчилар, миглаб боғбону мирпшкор бор.

М. МУҚИМОВ.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

САМАРҚАНД вилоятида республикамиз мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тадбирлар бошланди. Регистон майдонидаги Яшил театрда вилоят шаҳар ва туманларининг маданият кунлари очилди. Биринчи сентябрга қадар давом этадиган ушбу тадбирни бу йил Пастдаргом тумани маданият ходимлари бошлаб берди.

Театрга тўпланган томошабинлар пастдаргомлик мақомчилар, раққосалар ва аккахон ашулачилар санъатини олқишлашаяпти. Улар орасида республика кўрик-конкурсларининг голиблари ҳам анчагина.

Вилоят шаҳар ва туманларини санъаткорлари ўртасида ўтказилаётган бу ўзига хос кўрикка мустақиллик байрами куни яиун ясалади.

• *Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан*

Яқин етти-ўн йилда тахта-ёғоч ва қоғозга бўлган эҳтиёжимизни ўзимиз қондириш имкониятига эгамиз

ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЎРМОН ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ МУОВИНИ Ш. ЮСУПОВ.

ЎРМОН мутахассисининг бу гапи кўнгилларга таскин бериши табиий. Чунки, иморатбоп ёғоч-тахта муаммоси қишлоқда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг бошида бор. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Агар чинданам шундай имконият бўлса, уни бир бошдан шарҳламоқ жоиз. Шу ниятда Ш. Юсуповни мусоҳабага чорладик.



— Шермуҳаммад Турсунович, сиз ўрмончи мутахассиссиз, шу боис гапни яшил бойликларимизнинг асосий «хислат»ларидан бошласак. Зеро, табиатдаги жамики мавжудотдан тортиб оддий гиёҳгача ўзининг маълум «юмуш»и бор.

— Бу табиат қонуни. Муболағаси билан айтадиган бўлсак, Оллоҳ ҳеч нарсани шунчаки, эрмак учун яратмаган. Ҳа, йўқдан бор бўлмайди, билакс, бор экан, йўқ бўлиб ҳам кетмайди, албатта из қолдиради.

Энди омади гапга ўтсак, ўрмону дарахтзорлар ҳақида халқ орасида шундай мақол бор: «Кўкламда қувонтиради, ёзда салқинлатади, кузда тўйдиради, қишда исинтиради». Ибора рамзий, албатта, биз уни шарҳлашга уриниб кўрайлик.

Кўпгина мамлакатларда бўлганидек, республикамизда ҳам тоғ ўрмонлари меҳнаткашларнинг оромгоҳларига айланган. Деярли ҳамма пионер лагерлари, меҳнат жамоаларининг дам олиш уйлари, соғломлаштириш санаторийлари, сайёҳлик базалари сўлим тоғлар бағридаги ўрмонзорлар қўйнида жойлашган. Унлаб кўриқхоналар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг энг ноёбларидан тортиб, деярли ҳамма турларини асраш, кўпайтириш, ривожлантириш манбаидир.

Олти миллион танобдан зиёд майдонни эгаллаган қора ва оқ саксовул, черкез, кандим ва юлғунлардан иборат ўрмонзорлар мавжуд бўлиб, улар кўчма қумлар йўлини тўсади. Бундан ташқари шу минтақада ўтлаб юрган отар-отар қоракўл қўйлари ва сайғоқлар учун озуқа ва паналжой хизматини ўтайди. Бу ўрмонзорлардаги яйловларнинг ўтўланлари очиқ яйловлардагига нисбатан бир ярим-икки баровар қалин бўлади.

Маълумки, тоғлар намлик тўплаш хусусиятига эга. Ўрмонларнинг шарофати билан қишда ёққан қорлар бир маъромда эриб, қишлоқ хўжалик экинлари ва кўпроқ ғўзани етарли сув билан таъминлайди. Шунингдек, ўрмонлар миллионлаб танобларни табиий омирилишдан муҳофаза этиб, унумдор экин майдонларининг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишдан сақлайди.

Дарахтзорнинг кўпчилик билмайдиган яна бир «ҳислат»и бор: унинг бир танобли 10—20 минг куб метр сизот суви сатҳини пасайтирар экан. Тоғлардаги писта, бодом, ёнғоқ, олма ва бошқа мевалар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Хуллас, хона ичидаги тувакка ўрнатилган гул ва бошқа манзарали ўсимлик кўчатлари бутун бошли хонадон соҳибларини тоза ҳаво ва кислород билан таъминлагандан кейин ўрмонларни қўяверасиз.

Мавридан келганда тоғ ўрмонларининг яна бир ҳислатини айтиб ўтай. Мамлакатимиз ҳудудида шифобахш гиёҳлар сероб бўла туриб, халқимизга дори-дармонлар етишмайди. Чунки, ўзимиз кам тайёрлаб, кўпини четдан олиб келамиз-да.

Мустақиллик шарофати билан бундай хўжасизликка чек қўйиш пайти келди. Шифобахш ўсимликларни ўстириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Шу билан бирга жумҳуриятда бутунлай янги соҳа — дориворлар ўсимликлари деҳқончилигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш истиқболлари очилди.

Табиий ўсадиган шифобахш гиёҳларни йўқолиб кетишдан асраш учун уларни парваришлаш ва майдонини кенгайтириш мақсадида Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Наманган вилоятларида ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилди. Республика Фанлар академиясининг Ботаника боғи олимлари ҳудудимизда нқлимлаштирилган бир қанча шифобахш ўсимликларни экиб ўстириш агротехникасини яратиб, шу хўжаликларда жорий этмоқдалар.

Ўзбекистонда дориворўсимликларни тайёрлаш билан 26 ўрмон хўжалиги ва олти ихтисослашган хўжалик шуғулланмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ 700 тоннадан зиёд турли хил дориворўсимликлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Яна 15 хил шифобахш ўсимлик қадоқланиб, дорихоналарга топширилади.

— Жумҳуриятимиз ҳудудидаги мавжуд ўрмонзорлар сиз санаб ўтган юмушларни уддалаш учун етарлими ва умуман, ўрмонзорларимизнинг бугунги аҳволи шу кун талабига жавоб бера оладими?

— Ўрмоннинг кўплиги — яхши. Аммо унинг қанақа ўрмон эканлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиё кам ўрмонли минтақа ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудининг бор-йўғи 5,1 фоизигина ўрмонзор. 7,9 млн. таноб давлат ўрмон фондининг 6,6 млн. танобни ҳали айтганимиздек, қумли саҳроларда.

Жумҳуриятимиз тоғларида ўрмонлар нисбатан кам бўлгани сабабли ер майдонининг 80 фоизи эрозияга учраган. Тоғ ёнбағирларидан ювилиб тушган тупроқ дарёларга қуйилиб, сув омборларида тўпланади. Бунинг оқибати қишлоқ хўжалиги учун ҳам, экология, яъни инсонлар саломатлиги учун ҳам ўта зарарли. Ҳозир Амударё билан Сирдарё сувида ҳар хил минераллар меъёрдагидан анча кўп. Шу боис бу дарёлар суви истеъмол учун мутлақо яроқсиз.

Ҳозир мамлакатимиз ўрмонларини бойликларини асраш ва кўпайтиришга амалда ғамхўрлик қилина бошланди. Бойликлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида ўрмончилик қонунлари асослари яратилди. Бошқа муҳим тармоқлар қатори ўрмон хўжалиги ҳам ўз қўмитасига, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва уруғчилик станциясига эга бўлди. Янги тузилган табиатни муҳофаза қилиш жамияти 3,5 миллиондан зиёд кишини ўз сафига бирлаштириб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқда.

Жумҳуриятимизнинг ўсимликлар дунёси бой ва ранг-баранг эканлиги ҳисобга олиниб, уни муҳофаза этиш ва қайта тиклаш мақсадида янги кўриқхоналар барпо этилди. Ҳозир ўрмон хўжалиги ихтиёридаги кўриқхоналар эгаллаган майдонларни 500 минг танобга етказишни мўлжаллаб иш олиб борилмоқда.

Ўрмончилар жумҳурият тоғларида 40 минг танобдан зиёдроқ майдонга маданий дарахт кўчатлари ўтказдилар. Олимларимиз ниҳолхоналарда арча кўчатларини етиштириш усулини яратдилар. Бу тоғларда сийраклашиб қолган арчазорларни қайта бойитиш имконини беради.

Жумҳуриятимиз ҳудудида ўрмонларни қанчалик тез кўпайтирсак, бугунги куннинг асосий муаммоси бўлган экология масаласи ҳам шунчалик тез ҳал этилади. Зеро қаерда дов-дарахт ва ўрмон кам бўлса, ўша жойнинг иқлими бузуқ, ёзи чанг-тўзон, бўлади. Ёзда иссиқ гармсел, қишда совуқ изғирин эсади. Қишлоқ хўжалик экинлари тез-тез талофатга учраб, ҳосилнинг чўғи бўлмайди. Яйловларда чорва озуқаси камайиб кетиши устига молларни ёзда иссиқдан, қишда совуқ ва ёғин-сочиндан асраш имкони бўлмайди.

Ўрмон — мусаффо ҳаво, тоза сув манбаи. Аммо Ўзбекистонда бир кишига 10 сўтих ўрмон тўғри келади. Ҳолбуки, юқоридаги экологик муаммоларни ҳал этиш учун камида 25—30 сўтих ўрмон тўғри келиши керак.

— Энди асосий масала — тахта-ёғоч ва қоғоз таъминотига келсак, маълумки, бу борада биз Россияга қарам бўлиб келганмиз, таъбир жоиз бўлса, ҳозир ҳам оғзимиздагини бериб, эвазига ўша ашёларни ундираяпмиз. Ахир ўтмишда ота-боболаримиз бу масалада ҳеч кимга қарам бўлмаганлар-ку! Улар уй қуришини иморатбоп дарахт эмишдан бошлашган, бировнинг қўлига термулмай, ҳамма нарсани ўзларидан чиқаришган.

— Мен яқинда Покистон Ислом Давлатининг Пешавар шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманда қатнашдим. Унинг тафсилотлари ҳақида кейинроқ тўхталиб, ҳозир эса саволингизга аниқ-лўнда жавоб бермоқчиман.

Айтганингиздек, биз жумҳуриятимиздаги қурилиш эҳтиёжлари учун ҳар йили Россиядан 10 млн. куб метрдан кўпроқ ёғоч-тахта олиб келамиз. Бу ашёларнинг нархи осмонга чиқиб кетганлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун эҳтиёжни қондириб чиқиш қийин эмас. Мамлакатимизга ҳар йили 100 минг тоннага яқин қоғоз керак бўлади. 6 куб метр ёғочдан бир тонна целлюлоза, ундан эса 950—970 кг қоғоз чиқади. Демак, бир таноб теракзордан ўртача 500 куб метр ёғоч олинса, 100 минг тонна қоғоз учун 600 минг куб метр атрофида терак зарур бўлади. Ва бу 1000 таноб ердан бемалол чиқади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, энг аъло навли қоғоз бизнинг мамлакатимизда ўсувчи теракдан олинади.

— Қоғоз масаласида эътироз йўқ. Аммо терак етиштириб қурилишбоп тахта-ёғоч муаммосини ҳал этиш хусусида баҳслашиш мумкин. Мутахассис бўлмаганим учун тушунчам хатодир балки, ҳар ҳолда теракдан тўсину устунбоп ёғоч чиқишини билмаман. Бироқ эшик-дераза ромларию, пол ва хона шифтларини безашга ишлатиладиган тахталар...

— Тушундим. Ҳар қанча безак бўлса, тераknинг ўзидан чиқади. Бунинг устига терак шундай хусусиятга эгаки, ундан иморат учун тайёрланган ашёлар Россиядан келтирилаётган ўша тахта-ёғочларга нисбатан анча узоқ муддатга чидайди, безаклари эса бир неча ўн йиллар давомида сифатини йўқотмайди.

Қолаверса, терак ёғочи чидамлилигидан ташқари бошқа дарахтларга нисбатан бирмунча юмшоқ бўлиб, ўймакор усталар иморатлар учун истаган шаклдаги безакларини ясайверишлари мумкин. Сиз айтган ота-боболаримиз худди шундай қилишган ва ҳеч кимга қарам бўлишмаган. Хива, Самарқанд, Бухоро ва бошқа ўнлаб кўҳна шаҳарлардаги Шарқ меъморчилиги услубида қурилган обидаларни кўз олдингизга келтиринг. Уларга ҳуснн бериб турган ёғоч ўймакорлиги безакларининг кўпи терак ёғочидан ишланган.

Хуллас, биз тахта-ёғоч етказиб беришнинг эвини қилсак, у ёғини халқ усталари бемалол давом эттиришларига шубҳа йўқ.

— Пешавардаги анжуман ҳақида гапирмоқчи эдингиз...

— Бу ўрмончиликни интенсив ривожлантириш масалаларига бағишланган биринчи халқаро илмий анжумандир. Унда иқлим шароитлари ва экологик муаммолари бир-бирига яқин бўлган ўнта давлат — Покистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистондан 150 дан зиёд йирик мутахассис олимлар иштирок этдилар. Америка, Ҳиндистон, Кипр давлатлари вакиллари тингловчи сифатида қатнашдилар. Анжуманда шу ўнта давлат жойлашган минтақадаги экологик аҳволни яхшилашда ўрмончиликнинг ролини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Биз анжуманга инглиз тилида «Ўзбекистон ўрмонлари» номли 45 дақиқали видеофильм ва расмли китоб тайёрлаб борган эдик. Уни кўрган хорижий йирик мутахассислар қайратга тушишди. Видеофильмни томоша қилгач, ўзлари учун гўё янги давлат — Ўзбекистонни кашф этганларини яшира олмадилар.

Хуллас, анжуманда иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш қўмитаси тузилди ва унинг 7 кишидан иборат таркибига мен ҳам аъзо қилиб киритилдим. Шу қўмита таклифи билан махсус эксперимент комиссияси тузиладиган бўлди. Комиссиянинг асосий вазифаси минтақадаги ҳамма давлатлар ўрмончилигининг ҳозирги аҳволи, ютуқ ва камчиликларини ўрганиб чиқиб, аниқ таклифларини баён этишдир. Шу таклифлар асосида янги дастур ишлаб чиқилиб, ўнта давлатнинг экологик муаммоларини биргаликда ҳал этишга киришилади.

Дарвоқе, мен анжуманда сўзга чиқиб, теракзорлар барпо этиш масаласини ўртага ташладим, уни ҳамма якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, терак тез ўсиб етилувчи дарахт. Мана, қаранг, Россиядаги ёғоч-боп қарағай, қайин ва граб (қайинлар оиласига мансуб) дарахтлари секин ўсиб, қарийиб 60-70 йилда кесиш учун тайёр бўлади. Ўзбекистон тераклари эса 8-10 йилда етилади, ёғочлик хусусиятлари ҳам улардан қолишмайди. Бунинг учун дастлабки йиллари бутаб туриш керак бўлади, холос.

— Далилларингиз ишончли, энди енг шимариб ишга киришиш қолибди-да!

— Ишни аллақачон бошлаб юборганмиз. Ўрмончиларимиз ҳозиргача 3000 таноб теракзор барпо этдилар. Йилига 500 таноб арга терак кўчатлари экилаяпти.

Қўмитамиз ўрмон хўжалиги корхоналарининг кўп йиллик тажрибалари ва илмий тадқиқотларининг хулосаларидан келиб чиқиб, бутун жумҳурият ҳудудида теракзорлар барпо этиш ва бу соҳани кенг ривожлантириш учун ҳар бир вилоятда ихтисослашган хўжалик тузиб, уларга 1000-1500 танобдан суғориладиган яроқли ер ажратиб бериш тўғрисида таклиф киритган эдик. Бизнинг бу таклифимиз амалга ошади деган умиддамиз. 1993 — 2000 йилларда жумҳуриятда теракзорлар майдонини 20 минг танобга етказиш, шунингдек терак етиштиришга оммавий киришиш билан баробар мамлакатнинг қоғоз ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, республика ҳукумати саноатбоп теракзорларни режали кўпайтириш тўғрисида қанчалик тез қарор қабул қилса, муҳим қурилиш ашёси бўлган тахта-ёғоч ва қоғоз масалаларида шунчалик тез мустақилликка эришган бўлур эдик.

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ АМАЛДА

НАЗАРДАН ҚОЛГАН ҚИШЛОҚ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Булунғур туманидаги «Мингчинор» давлат хўжалигининг Янгиобод қишлоғи икки-уч йил аввал ҳароба қишлоқлардан ҳисобланар эди. Бугунги кунга келиб, унинг қиёфаси тамомила ўзгарди. Туман марказидан бошлаб, қишлоқ кўчаларигача асфальт ётқизилди. Автобуслар ва енгил маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилди. Энг асосийси, қишлоқ аҳли учун узоқ йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган табиий газ масаласи ҳал этилди, аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Албатта, буларга осонгина эришилмади. Бу ҳақда мазкур жамоа директори Мирзабек Турсунбоев шундай дейди: — Тақчиллик ўз ҳукмини ўтказаётган ҳозирги шароитда қишлоқларни ободонлаштириш, меҳнат аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш борасида бор имкониятимизни ишга солаяпмиз. Астойдил ҳаракатлар туфайли бугунги кунда анқонинг уруғига айланган сув ва газ қувурлари, зарур бўлган жиҳозларни Россиянинг бир қанча хом-ашё ва таъминот биржаларн билан маҳсулот айирбошлаш ҳисобига келтирмоқдамиз. Масалан, биргина ўтган йили 80 тонна помидор шарбати эвазига 120 тонна қувур олдик. Энг аввало, ишни хўжалигимиз марказидан узоқда жойлашган Янгиобод қишлоғига газ келтиришдан бошладик. Бунинг учун у ергача 10,5 километр газ қувурларини ётқизишга тўғри келди. Бу рақам қишлоқнинг нақадар чекқада жойлашганлигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамасдан мазкур қишлоқдаги мавжуд 85 хонадонининг барчаси «зангори олов»дан баҳраманд этилди. Хўжаликдаги қолган Қирғозон, Митан, Тигирик каби қишлоқларга ҳам табиий газ келтириш ишларини бошлаб юбориш арафасида турибди. Яшириб ўтирмайман, шу пайтгача Президентимизнинг «Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармонини ўзимизнинг шароитимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширолмай келдик. Бугунги кунга келиб мазмуд фармонни тадбиқ этиш учун бизда барча имконият яратилди.

Хўжалик раҳбари Мирзабек аканинг сўзларига шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, бу ерда Президентимизнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ташкил қилиш, аҳолини ем-хашак билан таъминлаш, томорқа вжратиш каби шунга ўхшаш бир қатор фармонларн ҳам ана шу тарқа бирин-кетин амалга оширилмоқда.

Чекканги сабаб раҳбарият-нинг назаридан қолган, ҳаттоки қўшни овулнинг қизлари ҳам келин бўлишни ор деб билган Янгиобод айни дамда куй сайин чирой очиб, ҳавас қилса арзигулик масканга айланмоқда. Халқнинг кўп асрлик орзулари ана шу зайлда ушалмоқда.

Қувондиқ ХАЛИЛОВ.



ШУ кунларда Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг диагностика тармоғида хусусий ва корхоналарга қарашли машиналарни техник кўрикдан ўтказиш авжида. Йилнинг биринчи ярмида 60 мингга яқин автомобиль кўздан кечирилди. Уларнинг маълум қисмига техник носозликлари бартараф этилгандан сўнг ҳаракатланишга рухсат этилди. Кўрик шу йилнинг 31 августигача давом этади. Янги қарорга кўра 1 сентябрдан бошлаб автомобиль ҳужжатида техник созлиги қайд этилмаган бўлса, ҳайдовчи 750 сўмдан 3750 сўмгача жаримага тортнлади. Жарима тўламай десангиз кўрикдан ўтишга шошилинг!



СУРАТЛАРДА: (ўнгдан) тармоқ бошлиғи, милиция майори Даврон Умаров иш бошлашдан олдин ходимларга кўрсатма бераяпти; катта нозир Ҳ. Умаров ва муҳандис Т. Саксонов автомобилнинг тормозланиш даражасини аниқлашмоқда.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

УҒРИНИ... ХУДО УРДИ

ОМСКЛИК квартира ўғриси навбатдаги «ов»га отланганида бу сўнггиси эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

ОДАТДАГИДЕК, эгаси йўқ уйни шипшийдам қилиб, изини яшириш учун дераза орқали жуфтакни ростламоқчи бўлди. Аммо шошилганми ёки ажали етиб турган эканми, ҳуллас осилиб тушиа бошлаган пайтда арқон узилиб кетди. Саккизинчи қаватдан ерга қулаган ўғри Оллоҳнинг ҳукми билан олий жазога маҳкум бўлди.

БУШАШМАНГ, ЧОЛЛАР!

63 ЁШЛИ пенсионер Ренат Носиров Москва кўчаларида тинимсиз велосипед ҳайдаб, Европа шаҳарларн бўйлаб сафарга тайёрланмоқда.

МАҚСАДИ — кишининг фаол ҳаёти пенсияга чиққандан сўнг бошланишини амалда исботлаш. Унинг фикрича, қарилнкнинг энг яхши давоси — ҳаракат. Шиорн — қаноат ва бардош билан яшаш. Шунга одатланган ҳам: 25 йил Заполярьеда онҳн бўлиб ишлаган.

Европа сафаридан қайтгач, қариялар ва пенсионерларнинг борига қаноат қилиб яшайдиган жамиятини очмоқчи.

КИМНИНГ ПУЛИ КУП

ЕР ҚУРРАСИДАГИ энг бой инсон Брунея султони Хассанал Болкиах экан.

ҲОЗИР дунёдаги 233 миллиардернинг энг бойи бўлмиш ўша султоннинг 37 миллиард доллари бор. Миллиардерларнинг тўртдан бири америка фуқаролари.

Рўйхатга олинган бойваччаларнинг деярли ярми ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва чайқовчилик орқасидан миллиардер бўлган. Тижоратда гап кўп деганлари шу бўлса керак-да!

АРТУРНИ ДУХТИРЛАР УЛАДИ, ДЕЙИШГАНДИ

АТЛАНТАЛИК Артур Гэй машъум бод туфайли болалигидаёқ оғир юрак хасталигига чалинганди.

БОЛАНИ обдон текширган врачлар унинг узоқ яшай олмаслигини айтдилар. Аммо у 31 ёшгача бир нав яшаб, операцияга розилик берди. Жарроҳлар юрак клапанини, орадан 5 йил ўтгач эса юрагини бутунлай алмаштиришди. Шу тахлит у 56 йил умр кўрди.

У яна яшаши мумкин эди, аммо қизилўнгач раки уни бевақт ҳаётдан олиб кетди. Шунга қарамай, бегона юрак билан 20 йил яшагани учун унинг номи Гиннес китобига абадий муҳрланган.

38 УҒИЛ ВА 15 ҚИЗНИНГ ОНАСИ

АЁЛ умри давомида қанча бола туғиши мумкин, деган саволга Гиннес китобидан қайратомуз жавоб топиш мумкин.

ЧИЛИ фуқароси Альбина Леонтина 57 ёшигача 44 та бола кўрган. Аммо америкалик Барбара Шмотцеринниинг рекорди шу кунгача сақланиб келмоқда, у жами 53 бола туққан.

КАШАНДАЛАР ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНМАЙДИ

МАНЧЕСТЕР ва Листер шаҳарларидаги кардиологня марказларининг мутахассислари кашандаларни операция қилишдан бош тортдилар.

БИР ҚАРАШДА уларнинг даъволари ўринли: ашаддий кашандалик орқали ўз соғликларнга атайлаб жиддий зарар етказган кишилар қимматбаҳо вақт ва дори-дармонлар сарфлашга аранмайдилар. Бунинг устига кашандалар бошқа беморларга нисбатан шифохонада ўзоқроқ ётишаркан.

ТАБИАТ ҚОНУНИМИ ЁКИ ТАСОДИФ

НАПОЛЕОН 1769 йилда, Гитлер 1889 йилда туғилди. Фарқи — 120 йил. 44 ёшларида давлат тепасига келишди. 52 ёшларида Россияга ҳужум қилишди ва 56 ёшларида урушни тўхтатишди.

ЛИНКОЛЬН 1861 йили, Кеннеди 1961 йили президент бўлди. Фарқи — 100 йил. Иккови ҳам жума куни хотинининг олдида ўлдирилди. Линкольнинг қотили 1828 йили, Кеннединнг қотили 1928 йили туғилган. Фарқи — 100 йил. Иккаласи ҳам судгача ўлдирилган.

Рус-япон уруши 1905 йили, рус-герман уруши 1914 йили, Улуғ Ватан уруши 1941 йили бошланган. Ҳамма йиллардаги рақамлар тўғриндаси 15 га тенг.

ЖАҲОНДАГИ ЭНГ КУЧЛИ ЭРКАК

АВСТРИЯЛИК Дэвид Хансли дунёдаги энг кучли одам ҳисобланади.

ДЭВИД бу даъвосини амалда исботлади. У Австралиядаги «Квонтас» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-767-300» маркали самолетни 25 метр масофага судраб борди. Самолетнинг оғирлиги 105 тонна, Дэвиднинг вазни 125 кило.

Кейинчалик Сидней бандаргоҳида 480 тонналн паромни судраб, ўз рекордини янгилаяпти.

РУЛДА — МИЛЛИОНЕР... АҲЛАТЧИ

ҲАР ТОНГ Сидней шаҳри кўчаларида 63 ёшли Альберт Найтснинг аҳлат йиғадиган машинаси пайдо бўлади.

АЛЬБЕРТ жаҳондаги ягона аҳлатчи-миллионер эканлиги шубҳасиз. У энди кейинги ўн йил давомида йилига 197 минг доллардан оладиган бўлди. Сабаби — мамлакатнинг учта штати биргаликда ўтказган лотареяга 6 миллион доллар ютиб олди. Маҳаллий қоидага кўра ютуқ 20 йил давомида тенг миқдорда тўлаб борилади.

Бу воқеадан сўнг унинг хотини фарроплнкни ташлади. Аммо Альбертнинг ўзи касбини ўзгартириш фикрига қатъий қарши чиқди. «Ишламасдан яшай олмайман», деди у.

МАЖБУРИЙ МАЖРУҲЛАР

КАСАЛЛИКЛАРНИ давосининг йўлларн кўплиги маълум, аммо қатгиқ ҳаҳорат ҳам шундай нуқта эга эканлигини кўпчилик билмаса керак.

ЕКАТЕРИНБУРГДА кейинги пайтда майиб-мажруҳ тиланчилар шу қадар кўпайиб кетдики, бу ҳол йўловчиларнинг ғашига тегиб, кайфиятларини буза бошлади. Бир йўловчи уларни беандиша сўкиб билан сўкиб бошлади... Шу пайт икки мажруҳ қўлтиқ таёқларини улоқтириб, югуриб келиб сўкинчни муштлай кетдилар. Орадан ярим соат ўтгач, ўша икки «мажруҳ» яна «даволанган учун» садақа сўраб ўтирарди.

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИЛИМИЗ ЖОЗИБАСИНИНГ ТИЛСИМИ

1929 йилда Самарқандда имло бўйича ўтказилган қурултойда қабул қилинган латин ҳарфли алифбо янги алифбомиз учун асос бўлса...

Ҳарф	Товуш	Ҳарф	Товуш
A a	о	L l	л
B b	б	M m	м
C c	ҷ	N n	н
Ç ç	ч	Ñ ñ	ң
D d	д	O o	ў
E e	э	Ö ö	ө
Ə ə	ӓ (а)	P p	п
F f	ф	R r	р
G g	г	S s	с
Ğ ğ	ғ	Ş ş	ш
H h	ҳ	T t	т
X x	х	U u	у
I ı	ы	Ü ü	ү
İ i	и	V v	в
J j	ж	Y y	й
K k	к	Z z	з
Q q	қ		

Ўзбекистон Республикасининг истиқлол мафкурасини яратиш борасидаги тақлиф-тавсиялар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, олқишлашга лойиқдир. Бу тақлиф-тавсиялар тоталитар тузум мафкурасининг асоратларини танқид қилиш билан бир қаторда жиддий омилкорлик руҳида айтилаётгани, мустақил Ўзбекистонда мустақил маънавият яратишга алоҳида эътибор берилаётгани бизни қувонтиради.

Мустақил жумҳуриятимизнинг қалби пок, заҳматкаш, эрксевар халқига муносиб мустақил маънавият яратиш бу соҳага оид муаммолар ва тақлиф-тавсияларни ўртага ташлашнинг ўзи билангина амалга ошқолмайди. Мустақил мафкура маънавий-руҳий муаммоларни ҳал қилиш, ўртага ташланган тақлиф-тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш билан қарор топади.

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ва давлат тили ҳақидаги қонунни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, соғлом анъаналаримиз ва байрамларимизнинг тикланиши, диний эътиқод дахлсизлигининг таъминланиши, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган, лекин тоталитар мафкура қоралаган бобокалонларимизнинг маънавий ҳаётимизга қайтарилиши, жой номларининг миллийлаштирилиши мустақил маънавий муҳитни қарор топтиришда катта роль ўйнашига ишончимиз комил.

Кирилл ёзувига асосланган ҳозирги ўзбек алифбосининг ўзбек тили товуш тизимига мос эмаслиги ушбу алифбо жорий этилган пайтдаёқ маълум бўлган эди. Унли ҳарфлар сони унли товушлар сонидан кам эканлиги; қатор унли ҳарфлар ўзбек сўзларида бир хил, рус тилидан олинган сўзларда бошқа хил товушларни билдириши; бир қанча товуш учун ҳарф тайин этилмаганлиги; ўзбек тилига хос бўлмаган товушлар учун ҳарф тайин этилганлиги орқасида миллий талаффуз маромини яратиш ишлари тузатиб бўлмайдиган тўсиқларга учради, ўқиш-ўқитиш қийинлашди, имлода истиснолар, қўшимча қоидалар кўпайди. Якка товушни эмас, бўғинни ифодалайдиган е, ё, ю, я белгиларининг олиниши, юмшатиш ва айириш белгиларининг қўлланилиши алифбони бадтар мураккаблаштирди, имло маромларини қийинлаштирди. Бу ва бу ерда кўрсатилмаган бошқа камчиликларни тузатиш аслида янги алифбо яратиш билан баробардир. Шунда ҳам жорий алифбони ўзбек тилининг товуш тизимига мослаштириш қийин.

Кейинги бир ярим-икки йил давомида ўзбек ёзуви муаммоси матбуотда, радио-телевидениеда, турли йиғинларда кенг муҳокама қилинди. Муҳокамаларда иштирок этган кўпчилик мутахассислар жорий алифбо ўзбек тили товуш тизимини тўла акс эттирмайди, уни латин ёзуви асосидаги алифбо билан алмаштириш керак, деган фикрни илгари суришди.

Муҳокама жараёнида ўзбек ёзуви, талаффуз ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича қимматли таклиф-тавсиялар айтилди. Араб алифбоси асосидаги ёзувимизни ўрганиш ва ўқитишни такомиллаштириш, бу ёзувда сақланиб қолган бебаҳо меросимизни халққа етказиб бериш, араб алифбосига асосланган ёзув ва ўзбек мумтоз адабиёти бўйича мутахассислар тайёрлашни яхшилаш ҳақидаги таклифлар шулар жумласидандир.

Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг лойиҳасини ишлаб чиқишда 20-йилларнинг энг етук тилшуносларидан иштирок этгани маълум. Алифбони ишлаб чиқиш жараёни республика ҳукуматининг Янги алифбо марказий қўмитаси томонидан уюштирилди ва бошқариб борилди. Лойиҳани яратишда ўзбек адабий тилининг кўп асрлик тарихи, унинг диалектал ранг-баранглиги, янги даврда юз берган лисоний ўзгаришлар, ўзбек тилининг қариндош туркий тиллар оиласида тутган ўрни ва унинг келажаги ҳисобга олинди. Туркийшуносликнинг чуқур илмий тамойиллари асосида яратилган лойиҳа матбуот саҳифаларида, турли йиғилишларда кенг муҳокама қилиниб, 1929 йилнинг май ойида имло бўйича Самарқанд шаҳрида чақирилган қурултойда маъқулланди. 33 ҳарф ва бир белги (апостроф) дан иборат бўлган бу алифбо ўзбек тилининг товушлар тизимини нисбатан тўла ва изчил ифодаловчи алифбо сифатида мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг яна бир варианти бор. Бу — 1934 йилда ислоҳ қилинган алифбо. Ундаги ишоратлар сони апостроф билан бир-галикда 30 та. Товушлар (фонемалар) сони ва сифати жиҳатидан бу алифбо 1940 йилда қабул қилинган ва ҳозир амалда бўлган рус ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси томон қўйилган қадамлардан бири сифатида қаралиши мумкин.

Биз ўзбек тилининг кўп асрлик ёзма анъаналари, тилимизнинг ҳозирги аҳволи ва келажаги тўғрисида фикр юритиб, мавжуд алифболарни бир-бирига, шунингдек ўзбек тилининг товушлар тизимига муқояса қилиб кўриб, Самарқанд қурултойида (1929) қабул қилинган алифбо латин ҳарфли ўзбек алифбоси учун асос бўла олади, деган хулосага келдик. Бу билан биз Самарқанд қурултойида қабул қилинган алифбони айнан тиклаш керак демоқчи эмасмиз. Латин ёзувига асосланган алифбосининг товушлар (фонемалар) сонини тайин этишда Самарқанд қурултойида қабул қилинган алифбога таяниш, бу товушларни қандай ҳарфлар билан ифодалаш масаласида илмий ва ўқув муассасалари, мутахассислар томонидан айтилган таклифларни ҳисобга олиш ўринли бўлади.

Латин ҳарфли алифбосининг товушлар (фонемалар) таркибини белгилашда Самарқанд қурултойида қабул қилинган алифбога таяниш кераклиги ҳақида гапиришимизнинг бошқа бир сабаби ҳам бор. Шу йилнинг март ойида туркий тилларда гаплашувчи республикаларнинг олимлари ва расмий кишилари иштирокида ўтказилган анжуманда туркий тиллар учун муштарак алифбо лойиҳалари муҳокама қилинди ва умумий бир лойиҳа ишлаб чиқилди. Латин ҳарфли туркий алифболарни тузиш учун намуна сифатида тавсия этилган бу алифбо 34 ҳарфдан иборат бўлиб, Самарқанд қурултойида қабул қилинган 33 ҳарфли ўзбек алифбосидан деярли фарқ қилмайди. Бу ҳол Самарқанд қурултойида қабул қилинган латин ҳарфли ўзбек алифбоси пухта ва изчил алифбо бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Баъзи унли товушлар (фонемалар) учун ҳарф тайин этишда турлича фикрлар борлигини эътибордан соқит қилмаган ҳолда латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг янги лойиҳасини газетхонлар диққатига ҳавола қилар эканмиз, маълум вақт ўтгандан кейин мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида илмий-амалий анжуман чақириб, ушбу лойиҳани муҳокама қилиш асносида ўзбек ёзуви муаммосининг ечими бўйича бир фикрга келиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Иристой ҚУЧҚОРТОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, республика Ўзбек тили жамияти раиси,

Азим ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти директори,

Одил ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Атамашунослик қўмитаси раиси,

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультети декани,

Эрист БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Миразиз МИРТОЖИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,

Анвар ЖАВБОРОВ,
филология фанлари номзоди,
Абдурозиқ РАФИЕВ,
филология фанлари номзоди,
Абдувоҳоб МАДВАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Сурхон воҳасининг шимолида, Керағатоғнинг олмос чўққилари этагида Хўжасоат деган қишлоқ бор. Унинг довруғини тасаввур қилишингиз учун бир мақтовини келтирамиз: Сурхондарёнинг майизфуришман деганн молини Хўжасоатники, деб алдаб сотади. Иқтидорли ёзувчи Тоғай Мурод ана шу қишлоқда улғайган. Биз унинг волидалари Тожихол момо билан бироз гурунглашдик. Суҳбатимиз асосан адибнинг ёшлиги ҳақида кечди.

ТОҒАЙ МУРОДНИНГ ЭНАСИ

— Момо, Тоғай аканинг исми қандай маънони англатади?

— Тоғасининг уйида туғилибеди-да, шунга моноси — энам Баҳор момо Тоғаймурод деб от қўйибеди.

— Истеъдодларнинг ёшлиги ҳам ўзига хос бўлади, дейишади донолар. Тоғай акаям қайсидир жиҳатлари билан тенгқурларидан ажраліб турармиди?

— Китобга мукка тушганди болам. Овқат еганда ҳам, чой ичганда ҳам китобдан айрилмагич эди. Эллигломон тўй-томошага кетсаям, Тоғай бормагич эди, нуқул китоб ўқирди.

— Ўқишлари қандай эди?

— Бешга ўқиганминан билимидан қонмқмагичди. Дарс ўтмагани учун бир маълимини урганини биламан. Шундан била беринг-да, улим.

— Айтишларича, Тоғай ака ҳам давраларни гурсиллатиб олишиб юргич полвон бўлган экан.

— Полвон бўлган-ку, лекин ундай катта эмас. Болалигида тўйлардан соврилар олиб қайтарди.

— Ўзимизда кексалар уруғ сургич келади. Тоғай акалар қайси уруғдан?

— Жуз уруғининг олчин шохчасидан.

Хўжасоатда қандай уруғлар яшайди?

— Санайберса кўп. Кўпчилик олчинлар, куябошлар, калтўплар, фармонлар, тоқчилар, гўрковлар, қозоёқлилар, қоробчилар, қашқалар...

— Шу уруғларнинг, қабилаларнинг номланишида ҳам рамз бор-да. Мисол учун, жузларнинг патос деган қабиласи ҳақида гап кетганда, «Ў, зирғирнинг гулига оққан патос», — деб қўйишади. Билсак, патослар зирғир ўсимлиги кўмкўк бўлиб гулга кирганда, ойдин тунда, уни денгиз фаҳмлаб, оралаб кетган бир биродарларини сувга оқиб кетди деб ҳой-ҳуй кўтаришган экан. Куябош деган биродарларимиз тўйларда қозоннинг бошини ҳеч кимга бермас экан. Қашқалар авлодининг сочининг бир тутами оқариб юради, дейдилар. Шундайми, Тоғай акалар мансуб олчин уруғининг қандай хусусияти бор?

— Олчинларнинг ошиғи олчи келади дейдилар.

— Келинингиз ҳам катта ёзувчи экан. Унинг ҳикояларини ҳам ўқийсизми?

— Журналларда ҳикоялари босилса, невараларим, «мана, чечам чиқибди»,— деб кўтариб келиб, ўқиб беришади.

— Нимага Тошкентда яшамайсиз?

— Тоғай ҳам, Маъсума ҳам ҳар борганимда, Тошкентда обқоламиз, деб қўймайди. Барибир Хўжасоатдан кўнглимни узолмайман. Бизга — эскининг одамига шаҳар тўғри келмайди. Онда-сонда бориб тураман, шунниси кифоя. Ҳар борганда қудаларникига— Паркентга қидираман.

— Бу ерда Орзигул опа билан турар экансиз-да.

— Шундай. Етти неварам бор. Каттаси мактабни битирган. Куёвим Даминбой асли Тоғаймурод-нинг сиифдош ошнаси. Хўжасоатнинг марказидаги ошхонада ишлайди. Барака топгурлар иззат-ҳурматимни жойига қўйишади.

— Тоғай ака асарларини атай Сурхондарёга келиб ёзиб кетади, дейишади?

— Шунга ўрганган-да. Вахшивортоғдаги дачада ўттиз-қирқ кун яшаб туриб, ёзиб тушади. Ер-биродарлари Тоғайнинг қабатига чиқиб кетишади. Гурунг ҳам, гап-сўз ҳам тоғда бўлади.

— Вахшивор деганингизга Тоғай аканинг саксон саккизинчи йили район газетасида босилган «Сўфи Оллоёр ким бўлган?» деган мақоласи эсимга тушиб кетди...

— У пайтлар худонинг тарафини олиб бўлмас экан-да, болам. Катталар боламни қийин-қистовга олган кезларда жуда қўрқдим. Мана, у кунлар ҳам ўтиб кетар экан. Энди радио-телевизорда бир-бирига гал бермай ҳазрати Сўфи Оллоёр бобони мақташади.

Момо ўйга толиб қолади. Менинг ҳам хаёлимда ўша кунлар қайта жонланади. Саксон саккизинчи йилнинг ёзи. Тоғай ака «Отамдан қолган далалар»га материал йиғаётганди. «Хўжанпок» колхозининг шийпонларида колхозчилар билан гурунглашиб, ётиб юрган вақтлари.

Шу орада «Олтинсой тонги»нинг муҳаррири Эшмирза Муҳаммадиев шаҳар кўрган ёзувчидан яхшигина бир мақола ёзиб беришни илтимос қилади. Сўнг... газетада жумҳуриятда биринчи бўлиб комфирқага тош отган, худони шарафлаган мақола чиқиб кетди. Мақолада шундай гаплар бор эди:

«Инсон қўрқди! Инсон ваҳимага тушди! Ана шунда, «Э комсомол, ўзинг асра!» демади, «Э худо, ўзинг асра!», деди. Инсон кўмакка муҳтож бўлди! Ана шунда, «Э профсоюз, ўзинг мадад бер!», демади. «Э худо, ўзинг мадад бер!», дедн. Инсон билиб-билмай гуноҳ қилди. Инсонни шайтон йўлдан оздирди. Шунда, «Э партия, ўзинг кечир!», демади, «Э худо, ўзинг кечир!» дедн».

Одамлар газетанинг ўша сонини талаб кетишди. Юқоридаги парчани ҳам хотирамга суяннб тахминан тикладнм. Редакциянинг ҳисобчиси қалам ҳақи қўйиш учун бирор нусха газета тополмади.

Мақола катталарнинг ўтакасини ёрди. Олтинсойлик бир «Маҳмуд Ялавоч» газетанинг нусхасини Москвага юборди. Муҳаррир қаттиқ жазоланиб, мақола район фирқа қўмитасининг махсус йиғинида тупроққа қорилди.

Момони гурунгга тортаман.

— Ёзувчининг онаси оддий оналардан нимаси билан фарқ қилади экан, момо?

— Умри сочиқда ўтади, экан, болам.

— Қишлоққа келганда тўйиб гурунглашиб...

— Келса ошналаридан менга ортармиди? Тоғай қишлоққа келса, аввал саҳардан Остона бобони зиёрат қилишга чиқади. Сўнг ошналари уйларига меҳмондорчиликка чақириб кетишади.

— Хўжасоатга ҳам азизлар қўйилган эканда-а?

— Икки азизлар бор. Бировлари — Қурбонсоат Остона бобо, бировлари — Саъдиваққос Остона бобо. У кишиларни пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бўлган, дейишади. Самарқанд тарафдан Сўфи Оллоёр бобонинг қабрини зиёрат қилишга ўтаётган зиёратчилар Остона боболарга ҳам тўхтаб ўтишади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат, момо.

Момо фотиҳага қўл очади:

— Илоё ҳаммаларингизга яратганнинг ўзи паноҳ берсин. Ҳазрати Сўфи боболар, Остона боболар, жамики азиз-авлиёлар қўллаб юрсин, омин!

Абдуғаффор ОДИНА суҳбатлашди.

Спорт *Спорт* *Спорт*

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

МОСКВА шаҳрининг «Измайлово» спорт саройида таэквандо бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди: Унда Ўзбекистон спортчилари муваффақиятли қатнашишди.

Йигитлар ўртасидаги спарринг баҳсида ҳамюртимиз Б. Қулаҳмедов 63 килограммгача вазнлилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. У финалда аргентиналик рақиби — З. Фаваллидан устун келди.

Совриндор бўлишда қизларимиз йигитларни бироз «уялтириб» қўйишди. Гарчи улар ғолиблик шоҳсупасининг энг юқорн поғонасига кўтарилишмаса-да, уч марта совриндор бўлишди.

42 кг вазнлилар баҳсида ҳамюртимиз Н. Нам финалда чемпионатнинг нуфузи бўлган КХДР терма жамоаси вакиласи Зеонг Сен Хига ютқазиб «кумуш» медал билан тақдирланди. Яна икки вакилимиз — Н. Загидуллина (53 кг) ва Л. Гольсман (60 кг) жаҳон чемпионатининг «бронза» медалларини қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида йигитлар баҳсида ҳам, қизлар мусобақасида ҳам КХДР биринчи ўринни эгалладн. Иккинчи поғонага Қозоғистон йигитлари билан Польша қизлари кўтарилишди. Греция таэквондочиларига ҳар икки баҳсда учинчи ўрин насиб этди.

МУСТАҚИЛЛИК ҲАДЯ ЭТГАН НАШР

ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг икки йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кетаётган бир пайтда, юз минглаб мухлислар орзиқиб кутган «Ўзбекистон футболи» ҳафталик газеси дунё юзини кўрди. Бу воқеани мустақиллигимиз шодиёналарига боғлаб изоҳлашимиз бежиз эмас. Чунки, бу газетани мухлисларга айнан мустақиллик, истиқлол туҳфа этди. Мустақиллик туфайли футболнмиз «Ўзбекистон» номи билан жаҳон майдони томон қадам қўя бошлади. Биз шунга аминмизки, футболимиз жаҳон майдонида ўзига хос ўрин эгаллайди, обрў-эътиборга сазовор бўлади. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам кафолатлаб турибди. Ишонамизки, «Ўзбекистон футболи» газетаси ушбу қарорни ҳаётга изчил тадбиқ этишда, футболимизнинг равнақ топишида самарали меҳнат қилиб, ўз ҳиссасини қўшади. Унинг саҳифаларида бўлажак Пелеларимиз, Марадоналаримиз маҳоратлари сайқал топади. Футболсевар ватандошларимиз газета орқали бир-бирига янада яқинлашади, бир маслак йўлида бирлашади. Ўзбекистон деган Ватан туйғуси қалбларда қад кўтаради.

Юз минглаб футбол мухлисларини ушбу янги нашр билан қутлаймиз. «Ўзбекистон футболи» дунё юзини кўрган, мухлислар орзуси юзага чиққан бир пайтда «Спорт» газетаси ўзининг 60 ёшида 6000-сонини чоп этди. Ўз навбатида мухлислар номидан таҳририят ходимларини газетанинг янги иловаси ва қутлуғ сон билан муборакбод этамиз.

Р. ЖУМАЕВ.

ЭЪЛОН

«Қизилқум» серғайратлар артели таклиф этади:

Инфрақизил нурланиш билан қуритадиган шкафлар, суткада унумдорлиги — 200 кг (хом ашёга қараб).

ИК — нурланиш шкафлари фойдаланилган энг кичик қуритиш цехлари. Унумдорлиги бир кечакундузда 400 дан 3000 килограммгача (хом ашёга қараб).

Бизнинг қуритиш шкафларимиз — бу маҳсулотнинг юқори сифати ва энг кам қувват сарфлаш демакдир.

Телефонларимиз: 68-22-96, 35-85-73.

Корхоналар, ташкилотлар, ширкатлар ва бошқа хўжалик идоралари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларнни рўйхатга олиш бўйича комиссиясининг қарори билан «Ҳамкорлнқ» тижорат банки тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида тугатиш комиссияси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

700015, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 2-Сапёрная кўчаси, 69-уй.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раҳбарияти ва Котибият Котибият Молия-хўжалик бўлимининг масъул ходими

Қосимов Абдулаҳат ҲОЖИЕВИЧ

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси жамоаси валюта ва кредитлар ресурслари бўлими бошлиғи ўринбосари И. Қосимовга отаси

Қосимов Абдулаҳатнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ТЕАТР:

ШАРҚ ВА ҒАРБ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ҲОМИЙЛАРИНИ ТАНИШТИРАМИЗ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси театр анжумани ҳисобига 5 миллион сўм ўтказди.

Мазкур илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўн минг кишилик жамоаси ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан илмий-техник изланишлар олиб бориш ва МДҲ давлатларидаги тармоқ корхоналари билан ўзаро алоқаларни барқарор ушлаб туришда, шунингдек ишчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда.

Шу билан бир қаторда жамоанинг ҳар бир аъзоси фахр билан «Бизнинг ўз театримиз бор!», деб айта олади.

Пойтахтимизда йирик халқаро театр анжуманининг ўтказилиши ушбу меҳнат жамоасида жуда



катта ҳурсандчилик билан кутиб олинди. Чунки, ушбу корхона аҳли билан республика театрлари ўртасида узоқ йиллардан бери дўстона алоқалар ўрнатилган.

Бирлашманинг бош директори, корхоналар раҳбарлари халқаро ассоциацияси кенгаши аъзоси Абдуманнон Олимбоев театр саҳнасида ўзи ҳам муваффақият билан роллар ижро этиб, театр санъатини жони дилидан севади: «Бизнинг жамоамиз фестивалнинг фақатгина ҳомийси бўлиб қолмасдан, анжуман кунлари дастурдан ташқари иккита спектакль намойиш қилишни мўлжаллаб қўйди, — дейди бош директор. — Бизнинг ҳаваскорлардан ҳам театр жамоамизнинг санъати томошабинларни бефарқ қолдирмайди деган, умиддамиз. Анжуманнинг иштирокчилари ва меҳмонлари республикамизда халқ талантларининг имкониятлари кенглиги ва катталигини ўз кўзлари билан кўрадилар».

«Театр: Шарқ ва Ғарб» фестивали ҳомийлари сафида «Ўзгосхлопкопромсбыт» (бошқарув раиси Эркул Зикирьяев) акционерлик ассоциацияси ҳам бор. Бу ташкилот фестиваль ҳисобига беш миллион сўм пул ўтказди. Халқаро фестиваль дирекцияси барча ҳомийларга чуқур миннатдорчилик билдиради ва бошқа корхоналарни ҳам ҳомийлик қилишга чақиради.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандақор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев, навбатчи — Ғ. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—441. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди: 21.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6